

Оила ва јатицат

СИЛДА ЖОССИЯТ

1991 йил 1 сентябрдан
чиқа бошлаган

31

сон

31 июл —
6 август
2003 йил

ХАР ҲАФТАНИНГ ПАЙШАНБА КУНЛАРИ СИЗНИНГ БЕГАРАЗ СУҲБАТДОШИНГИЗ

МАҲАЛЛАСИ СҮЙГАН АЁЛ



Тошкентнинг Собир Рахимов туманинда, А. Навоий номли маҳалласига борганимизда кўп қаватли уйларда учна учрамайдиган орасталинки кўриб баҳри-дилимиз очилди. Йўлакларнинг олди сув сепиб-супурилган. Айниқса, дид билан экилган гулу райхонларни айтинг... Уй қаршисида ўрнатилган курсиларда гурунглишиб ўтирган аёллар даврасида кўшилди.

Кимё опа, Муқаддас опа, Ҳожи оналар яқинда ўтказадиган тадбирлари хакида маслаҳатлашгаётган эканлар. «Обод маҳалла ийли» да энг намунали, энг тутуб оиласлардан бирни билан суҳбатлашиш ниятимиз борлигини айтганимизда улар жуда хурсанд бўлишиди. Биз суҳбатлашгаётганимизда ўйлакдан майин табассум билан келаётган бир аёл кўриди.

- Вой, ана, Раънохоннинг ўзлари ҳам келиб қолди, - деди ўзини Кимёхон деб таништирган аёл. - Яқинда келининг кўшалок Фарзандли бўлди. Барака топгар Раънохоннинг ўзи набираларимга доялик қилди. Ҳозир ҳам уларга парвона. Ҳар куни ишдан келиши билан чиқиб хабар олади.

Раънохон, келиб даврамизга кўшилди. Бу дилкаш аёл 3-түғруқонада доя бўлиб ишлар экан. Шу маҳалладаги бўллаб болаларга доялик килиди.

Раънохоннинг оиласи билан танишдик. Умр йўлдоши Илхомжон адвокат бўлиб ишлади. Маҳмуда ва Рустамжон исмли гулдек фарзандлари бор. Жуда меҳмондуст бу хона-

дондан одам узилмайди. Ишдан чарчаб келиб энди бир пиёла чойга ўтирганида ёки тун ярмида эшигини тақиллатиб ишшак чакириб келишса ҳам малол кўрмайди. Кўлидан келганини дариг тутмай дарров ёрдамга ошиқади. Шунинг учун қўшилар яхши кўришади, хурмат килишади.

Озодаҳон, Дилобар, Гулчехра, Дилнозон деган овсиналари Раънохон билан опа-сингилдек бўлиб кетишган. Тўйларида бир-бирлари билан маслаҳатчи, қўмакчи. Кайнонаси Муқамбар опа билан қайнотаси Одил акалар кенха ўйларни билан алоҳида яшашса-да, тез-тез келиб улардан хабар олиб кетишади.

Раънохон ва Илхомжонлар оиласидан қайтарканимиз, фарзандларини етаклаб, сайд қўлдириб юрган бахтиёр оналарни учратдик. Уларнинг ҳам «доя момо»лари Раънохон бўлишига шубҳа қилмади.

Биз ҳали маҳалладан чикмай туриб ёнимиздан машина ўтиб кетди. Зум ўтмай ортига қайтан машинада кетаётган Раънохон жилмайгичча кўл силкиб ўтиб кетди.

Демак, дунёга яна бир инсон келаётпи. Ўғилми-кизми билмасак-да, бу гўдакка ва дўхтири Раънохонга ҳам баҳту саодат, соғлиқ тилади.

Басира САЙДАЛИЕВА

Сувратда: қаҳрамонимиз Раъно Отабоева (чапдан учинчи) туғилган чақалоклар ва оналар даврасида.

Сувратчи — М. МИРСОДИКОВ

ЁШ РАССОМЛАР – УКРАИНАГА БОРИШАДИ

Республикамиздаги «Софлом авлод учун» жамғармаси томонидан «Обод маҳалла ийли» да истеъодларни кўллаб-кувватлаш максадида жуда кўп тадбирлар ўтказилди. Шулардан бирни ёш рассомларнинг «Софлом авлод учун» жамғармасининг 10 ийлигига багишланниб Ўзбекистон Бадиий Академияси билан ҳамкорликда ўтказилган «Планетамига тинчлик» танловидир. Мазкур танловда «Камалак» ран-

гтасвир студиясининг шунингдек, Харьков бағи мўйқалам усталари диний галереяси билан галиб чиқиши. Студија янинг Туркия, Голландия, АҚШ, Япония ва Хиндиностонда танловларда қатнашган бу талантли рассом болалардан беш нафари 1 августандаги 10 августанга қадар Харьков шаҳрида бўладиган «Кора ранглариси - дунё» халқаро болалар ижодий байрамларда иштирок этадилар. «Камалак» студияси ҳомийлик ёрдамини ижодкорлари тури хоҳири мамлакатлар,

Ёш рассомларга Украина маданият марказининг «Батьковщина» ва Ўзбекистондаги «Украина» танловидир. Ўзбекистон Савдо уйи» мида иштирок этадилар. «Камалак» студияси ҳомийлик ёрдамини кўрсатишади.

Ўз мухбири

Ахборот

«Софлом авлод учун» Халқаро жамғармаси ва Мехрибонлик кўрсатиш Халқаро жамғармалари ҳамкорлигига ташкил этилди. Кўргазмани «Софлом авлод учун» Халқаро жамғармасининг раиси С. Иномова очди. ЎзБА раиси Т. Қўзиев кўргазма ҳакида ўзининг илик сўзларини билдириди.

ЛАТОФАТ



ИСТИҚЛОЛ АДАБИЁТИНИНГ АВЛОДИ



Бундан иккى йил муқаддам Республика Ёзувчилар уюшмаси ташаббуси билан Ўзбекистон Миллий университети қошида Олий Адабиёт курси ташкил этилганди. Шу вакт давомида устозлардан адабиётнинг энг нозик ва латиф сиру асрорларини ўрганганд саккиз нафар тингловчи ушбу кутулғар даргоҳи мұваффақиятли битиришиди.

Ўз ижод билан танилиб қолган Беназир, Хосият Рустамова, Маяғузал Чориева, Ориф Ҳожи, Жаҳонгир Холмирзаев, Дилшод Ражаб каби иқтидорли қаламкашлар устозлардан адабиётнинг ўзига хос сирларини ўрганишиди.

Яқинда Ёзувчилар уюшмасида битириувчиларга диплом топшириш ма просими бўлиб ўтди.

- Ўзбекистон Республикаси Олий ва таълим таълим вазири Сайдархор Гуломов, Ўзбекистон Миллий университети ректори Тўрабек Долимов, Ўзбекистон ҳалқ шоири Пўлат Мўмин, таникли адабиётшунослар Умарали Норматов, Абдуғафур Расулов курсинген илк битириувчиларни табриклаб, уларнинг ижодларига оқ ийл тилашди.

Курс битириувчилари эса яратилган имконият учун Президентимиз, хукуматимиз ва Ёзувчилар уюшмасига, таълим берган устозларга миннатдорчиликларини изҳор этишди.

ХАМИДА



Сувратда Тошкент шаҳар, Собир Рахимов туманидаги Алишер Навоий маҳалласи фаолларидан бирни Мирхидой ака Мирсоатов (чапдан-учинчи) кўп қаватли 48-йи фаоллари билан мустақиллик байрамига тайёр гарлар ҳақида маслаҳатлашмоқда.

ДИПЛАРНИ ХУШНУД ЭТИБ

«Софлом авлод учун» Халқаро жамғармаси биносида Ўзбекистон ҳалқ расоми, академик Рўзи Чориев ва таникли ҳайкалтарор Азamat Хотамовнинг ижодий асарлари намуналарида ташкил топган Бадиий кўргазмани очилди. Кўргазма Ўзбекистон Савдо очилди. Кўргазма Ҳалқаро жамғармасининг раиси С. Иномова очди. ЎзБА раиси Т. Қўзиев кўргазма ҳакида ўзининг илик сўзларини билдириди.

ЛАТОФАТ



“БОГИНГ ВАТАН ДЕГАН НОМ ОЛСИН”...

- Жон синглум, оғирроқ бўлинг. Мен албатта гаплашаман, дедим-ку! Йўқ, йўқ, мен бошқа маҳалламан, деб ўзимни чегта олмайман. Факат сиз сабж килинг. Рўзгорниң бузилиши осон...

Мухаббат опа мени очик турган эшидан кириб борганини кўриб ўтириш ишорасини қилди-ю, телефон гўшагини кўймай яна аёлни ачча тинглади. Оғир хўрсими, унга тасалли берди. Кечкунрун уйига ўтажагини айтиб хайрлаши.

- Бироннинг турмуши бузилаетганини эшитсан бутун вужудим титраб кетади, - деди опа ҳамон маҳзун кайфиятдан чиқолмай. Бъази ахрашиб кетаётгандарнинг турмушини кучим етса суюшиб, гаплашиб сақлаб қолганиман. Бугун ўшалар худди туғишганидек сийлашади мени. Мана шу кўнгироқ киляётган келинчак ҳам кўшни маҳлладан. Эҳ, бу ҳаётнинг чигалликлари кўп-да...

Кўхна Кизилкум воҳасида кад ростлаган Навоийдустлик биродарлик шахриди. Қаҳрамонимиз Мухаббат Жамилова “Фалаба” ма-

халласи ҳудудида жойлашган 35-йи, 2-ётохонада истикомат қилаётган 4228 нафар инсоннинг кўнглига йўл топиб ишлатгандар фуқаролар йигини раиси. Табиики, бу 1425 дан ортиқ оиласарда турли тилларда сўзлашувчи, айни пайтда ёши улуф кишилар кўпчиликни ташкил этади.

- Сенинг кўринишинг тоза бўлса ҳам, ичинг тоза бўлмаса ҳаммаси бекор, - дейди дошишмандларимиз. Биз Обод маҳалла йилини номига муносаби айламоқ бўлаяпмиз, - дея чеरтиб фикрини ифодалайди

опа. - Бунинг учун аввало маҳалла ахлиниң ичи обод бўлмоғи керак. Бу нима дегани? Бизнинг ўзимиз бир-бираимиз билан аҳил, бирорада, рўзгорларимиз осоишта, фарзандларимиз ҳам маънан, ҳам жисмонан саломат бўлмас экан, ташки кўркамлик татимайди. Ана шу ички ободлик, тўкинликни бисёр айлаб, сўнгра ташкимизни кўз-кўз килсанк юртошимиз орзу килган маҳаллани обод айлаган бўлмаз. Биз унга эриша япмиз ҳам.

Шаҳардаги Зарапетьян, А.Навоий, Ўзбекистон, Халқлар дўстлиги номли шоҳ кўчалари-даги файзу тароватни кўриб кўнглимиз янаям ёриди. Ҳақиқатан ҳам маҳаллада жўшқин ҳаёт ҳукм сурарди. Бу жўшқинлик эса опанинг юрагидаги оташ, қалbidagi шижоатдан куч олиб эзгуликларга бошлийверади. Маҳаллада яшовчи 465 нафар кария Мухаббат опа учун ҳамиша эъзозли. Йўли тушса ётиб колганларни бир йўқламай ўтмайди. Маҳалла худудидаги ҳар бир ташкилот, корхона тадбиркор, ҳатто ҳалқ ноиблари ҳам унинг маслақдоши, доимо ёрдам берishiadi.

рўзномасида хизмат килишидан мамнунман. У кишининг умрлари узок бўлсин. Ҳалқнинг хизматидан сира чарчамасинлар. Ҳар хафтанинг пайшанба куни оиласига газетани мунтазам ра-вишда кечитирмадиган етказиб берётган, Шахрисабз матбуот тарқатувчи корхонаси директори Толиб Бўриев, йўриқиҳ-хазиначи миз Тохир Норимов ҳам "Оила ва жамият" рўзномасига ҳар йили обуна бўламан. Ушбу рўзнома энг яқин маслақдошим ва дўстим. Рўзнома саҳифаларида берилётган мақолалар ранг-

баранг, таҳриран бир-бирини сира тақорлар-майди. Бу эса таҳририядта малакали, виждан пок инсонлар фаолият юритишидан да-лолат беради. Мен бундан жуда хурсандман. Бизнинг энг севимли, ҳало дардини юракдан хис-ти-этиб ёздиған шоиримиз Тохир Норимов ҳам "Оила ва жамият" Худойбердиева, рўзно-

- Ҳомий ташкилотимиз саналган НМЗ ишлаб чиқариш бирлашмаси раҳбари Николай Локкайнинг фамхўрлиги билан ҳовлиларга дам олиш ўриниклари курилди. Болалар яйраб ўйнайдиган майдончаларга халинчаклар ўрнатилиди. Ноибим Бозорбой Бердимуродов эса барча тадбираримизга бош-кош. Дарҳақиқат турли миллат фарзандларидан тўплланган "Марварид" болалар дастаси, онахонлардан иборат фольклор дастаси маҳалла аҳлиниң байрамларини янаям шод айлади. Фаоллардан Ҳалима Жумаева, Ш.Нарвўзбоеева, Венера Фатгулина, Эргаш Жўмаев, Тўра Кўнишов, Турсуной Рўзиетова, ўтиқр Умаров, Танзил Юсупова, Раъон Бўронова, Хотин-қизлар кенгаши раисаси Маърифат Раҳмонова, яраштирув комиссияси раисаси Ҳалима Жумаевалар Муҳаббат опанинг қолаверса маҳалланинг сунгани, ишонгланлари.

Она билан хушнуд хайшлашар эканмиз, у киши жилмайиб кўшиб кўйди:

- Якинда шоиримиз Эркин Воҳидовнинг бир шеърини ўқидим. Бу шеърни ҳамма ўқишини истардим. Бу менинг кунглимида гапнинг шоирона изҳорига ўхшайди:

**Юртошим, боғингга
бир ниҳол қада,**

Бу ниҳол номини

Яхшилик ата.

Ниҳолнинг ёнига

бир гул экиб кўй,

Бу гулнинг исмини

Гўзаллик деб кўй.

Гулу ниҳолингга

бахш этиб ҳаёт,

Сув бер ба ва сувга

Мехр деб кўй от.

Сендан фарзандингга

бог қосин, эй дўст,

Боғинг Ватан деган ном

олсин эй дўст.

**Ойбуви ОЧИЛОВА
Навоий шаҳри**

**Газетхон — газета
ва ҳаёт ҳақида**

ма тарқатувчи Исомиддин Расуловларнинг меҳнати ҳам мактова сазовордир. Сўзим сўнгиди "Оила ва жамият" рўзномасининг барча ходимларига қалбимдаги энг соғ ти-лакларимни бахшида айлайман.

**Зоҳирбек
МУҲАММАД МИРЗО**
Шахрисабз шаҳри,
Н.Нўчаев кўчаси, 1-йи.

Шу йўсунда уларнинг оталари Сувонкул Тоғаев ва оналари Зулфия Тоғаева аяларга ўз миннатдорчилигимни иззор этиман. Сизлар шундай фарзанд тарбиялаб, уларга оқу-корани, ҳаром билан ҳалолни ажратади. Олишини ўргатганингиз учун сизларга ташаккур. Ўзингиз хали хизматида беморларнинг дардларига даво топиб, номинизга раҳматлар ёғидир юрибдилар. Акбаржонга ўхшаган оқил, ҳалол, талабчан, мәсулиятли шифокорлар кўпайишини истар эдим. Зеро Акбаржон уларга ўрнек бўлсин!

**Мунира ШОИСЛОМОВА
С.Рахимов тумани**

МАСЛАҚДОШИМ ВА ДЎСТИМ

Мен "Шахрисабз-консерва" акционерлик жамиятида алоқа мутахассиси бўлиб ишлатгандар. Оиласи, 1 нафар фарзандим бор. "Оила ва жамият" рўзномасига ҳар йили обуна бўламан. Ушбу рўзнома энг яқин маслақдошим ва дўстим. Рўзнома саҳифаларида берилётган мақолалар ранг-

СИЗДАН ДАВО ТОПДИМ

Миннатдорчиллик

бундай хушумомала шифокорни биринчи бор учратдим. Бир ҳафта мобайнида муолажалар олдим.

"Инсонни энг биринчи навбатда ширин сўз даволайди", - дейишади. Афсуски, базъи шифокорлар ширин сўз тутул, тўғри маслаҳат беришмайди. Беморнинг дардига эмас, аввал чўнтигига қарашади. Лекин Акбаржон буларнинг акси. Мен Акбаржон мартабалари бундан-да юксак бўлишини тилаб қоламан.

Овоз МАҲАЛЛА ЙИЛИ
2003 ЙИЛ

ХОТИН-ҚИЗЛАР ВА БОЛАЛАР МУҲОФАЗАСИ

(Боши ўтган сонларда.)

Жиноят қонунчилигига
аёлларнинг хукукий ман-
фаати қандай акс эти-
рилган?

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодексининг 130-133-моддаларида маҳкума аёлларга нисбатан муйян имтиёзлар кўрсатиб ўтилган. Жумладан, маҳкума ҳомиладорлар аёллар ва уч ўшга тўлмаган боласи бор аёллар муассаса худуди доирасидан ташкирида яшаш; болаларни жазо ижро этиш колониялари кошидаги болалар уйига жойлаштириш; болаларни жойлаштириб келиш учун муассасаларида яхшидаги ҳар бир аёлларни боришиш келиш вақтини (тўрт суткагача) хисобга олмаган холда ўн беш суткагача муддатга четга чишига рұхсат этилиши мумкин.

Мактабгача ёшдаги болалари бор маҳкума аёлларга болаларни кариндошларини киги, васильларини киги болалар мусасасаларида яхшидаги ҳар бир аёлларни боришиш келиш учун боришиш келиш вақтини (тўрт суткагача) хисобга олмаган холда ўн беш суткагача муддатга четга чишига рұхсат этилиши мумкин.

Вояга етмаган ногирон болалари бор аёлларга бир йилда бир марта улар билан учрашиш учун йўлга кетадиган вақтини хисобга олмаганда етти суткагача бўлган муддатга четга чишига рұхсат этилади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 50-моддасига мувофик, озодликдан маҳкума аёлларга ҳомиладорлик ва тиғиш бўйича ишдан озодликдан ташкирида яшаш имконияти билан, узок муддатли учрашув берилиши мумкин. Ижобий тасвиғга эга маҳкума аёлларга ҳомиладорлик ва тиғиш бўйича ишдан озодликдан ташкирида яшаш имконияти билан, узок муддатли учрашув берилиши мумкин. Ижобий тасвиғга эга маҳкума аёлларга ҳомиладорлик ва тиғиш бўйича ишдан озодликдан ташкирида яшаш имконияти билан, узок муддатли учрашув берилиши мумкин.

а) ўта оғир жиноят учун ва ўта хавфи рецидивист деб топилганларга жазонни каттиқ тартибли колонияларда;

б) этиётсизлик оқибатида учча оғир бўлмаган жиноят содир этганларга жазонни мансил-колонияларда;

в) бошқа жиноятлар учун жазони умумий тартибли колонияларда ўтша тайинланади;

ж) жиноят кодексининг 51-моддасида таъкидланшича, ўлим жазоси аёгла ва ўн саккиз ўшга тўлмаган жиноят содир этган шахсга нисбатан тайинланади;

з) шундай қилиб, давлатимиз қонунчилигига хоҳин-қизларга нисбатан бир қатор хукук, эркинлик иштиёзлар бельгиланганлиги яққол кўриниб турибди. Бу хол, аввало, қонунчилигининг инсонларнинг ҳамда адолатлилигидан далолатидир. Иккинчидан, давлатнинг аёллар хусусидаға заманга саларига яхшидаги ҳар бир аёлларни боришиш келиш вақтини хисобга олмаган муддатга четга чишига рұхсат этилади;

Шундай қилиб, давлатимиз қонунчилигига хоҳин-қизларга нисбатан бир қатор хукук, эркинлик иштиёзлар бельгиланганлиги яққол кўриниб турибди. Бу хол, аввало, қонунчилигининг инсонларнинг ҳамда адолатлилигидан далолатидир. Иккинчидан, давлатнинг аёллар хусусидаға заманга саларига яхшидаги ҳар бир аёлларни боришиш келиш вақтини хисобга олмаган муддатга четга чишига рұхсат этилади;

Махкума аёлларга саклашга мўлжалланган колониялар кошида болалар нормал яшаши ва камол топиши учун зарур шаротлар билан таъминланади.

Махкума аёллар уч ўшга тўлмаган болаларни боралар уйига жойлаштиришга ва ишдан бўш вақтда берилади. Зеро, аёл жамият ҳаётининг устуни ва давомчисидир. Аёлларга хурмат, ғамхўрлик ва эзтиром, жамиятнинг буғуни ҳамда эртангиравнинациинг гаровидир.

(Давоми бор.)

Рихси Иброхимова! Ўзбекистон халқ артисти, "Мехнат шуҳрати" ордени совриндори. Бу истеъододли санъаткорни, кўчли аёлни ҳаммамиз яхши таниймиз, севамиз.

У дид билан сипо кийинади. Чехрасида самимиз порлаб туради. Чўллон кўзларида эса ибо, хаё барк уради. Уни кўрсак, Гули, Жамила, Санобар, Офелия каби ўнлаб вафодор, оқила гўзаллар кўз ўнгимиздан гавдадалини. "Дунёнинг ишлари" асаридаги каби юзлаб меҳрибон, жафоқаш оналар сиймосини кўрамиз унда.

Назаримда Рихси Иброхимова яратган барлалида ўзининг покиза қалбини, илгор дунёкарашини, беғубор меҳр-муҳаббатини ва орзу-умидларини намоён



МЕХРИ, АРДОКЛИ ИСТЕЙДОД

этади. Шунинг учун ҳам биз унинг саҳнадаги ижодини ҳам, ҳаётдаги фаолиятини ҳам ёқтирамиз, олқишлиймиз.

Бундай суюкли, ардоқли бўлиш осон эмас, албатта. Бунинг учун инсоннинг илк кадамлари ёк тўғри, ҳалол бўлиши, яқинлари томонидан кўллаб-куватланиши ўзи эса танлаган касбингин фидойисига айланishi ва энг муҳими яхши устозлар таълимини олиши керак.

Рихси Иброхимованинг хайётйли худди шундай кечди. Аввало ота-она ризолиги, уларнинг кўллаб-куватлаши билан санъат йўлини танлади. Ва биринчи курсда ўқиб юрганидаёт катта устозлар назарига тушди. Натижада 1955 йили 18 ёшидан Академик драма театрига ишга тақлиф килинди. Машхур санъаткорлар Аброр Хидоятов, Икрома Болтаева, Наби Раҳимовлар билан ёнма-ён ижод килди. Рихсиондаги ўти нигоҳ, ширали овоз, айниқса меҳнатсеварлик унинг дастлабки йиллариданок

бош ролларда чиқишига сабабчи бўлди. Сора опа Рихсионни севиб, уни астайдил ёнига одди. Ўзи ижро этган энг суюкли ролларини Рихсионга раво кўди, ўргатди. Ютуқларни олқишлиди, билмаганини билдириди.

- Сора опамдан бир умр миннатдор бўлиб яшади, - деди Рихсион, - бир қатор серкера образларни яратишимида Сора опам театрда ҳам, менинг уйларига олиб кетиб ҳам тинимиз ўргатардилар.

"Алишер Навоий"даги Гули, "Ҳамза"даги Санобар, "Гамлет"-даги Офелия каби ролларим чиндан муваффакиятли чиқкан бўлса -

бу биринчи навбатда Сора опа туфайлидир. Ўлмас Умарбековнинг "Шошма, қўёш" асаридаги Санобар Камолова образини айниқса севиб, саҳнада ўзимни эркин тутиб ўйнадим, - деда давом этади Рихсион. - Оғир уруш иллари колҳозни бошқарган, кийинчиликларни енгишда қатъият, матонат кўрсатган, меҳнатсевар, одамларга меҳрибон, ёмонга мурносиз бу аёл мен орзу кил-

ган образлардан бири эди. Яна бир образни Сора опам билан биргалиқда, у иши Санобар Камолованинг кексалик пайтини, мен эсам ёшроқ пайтини ижро этдик. Юраги тоза, максади улуг, чидамли бу шиҷоатли аёл образи мен учун бир умр унтиласидан бўлиб колди...

Рихсион ёнма-ён яшаётган, бирга ишлаётган ҳамкаслари ҳақида ҳавас ва хурмат билан сўзлайди.

- Дадам шунчалар олийжаноб, билимли эдилларки, ҳамиша менга насиҳат килиб, "Она кизим, яхшиларга эргашинг, бир умр. Одамларга ҳеч қачон хусумат қильманг. Уларнинг ютуғидан кувонинг. Яхшилардан ўнрак олинг", - дердилар.

Кўзларида, лабларида, бутун юз ифодаси-ю, хатти-харакатларида ажиб бир жозиба баркарор бўлган бу актриса ота ўтигини устозлар насиҳатини ҳеч қачон унтуналди. Ба шу тифайли эл-юрт ўртасида хурмат-эътибор топди.

Ҳа, Рихси Иброхимова саҳнада, юзлаб телеспектаклларда ролъ ўйнаганида унинг кўзларига, ўша чўлпон кўзларига қаранг. Юрагидаги ранг-баранг тўғулар, түғёнлар, нафрату муҳаббатни сиз ҳали у сўзламасиданок уқиб оласиз. Унинг кўзлари қалбингизни жизиллатиб юборади. Сўзлаганида эса борлигингиз билан унга мағфун бўласиз...

Хозир Рихси Иброхимова Академик ёзувчи Fa�ур Гуломнинг "Ўтмишдан эртаклар" асаридаги буви ролини ижро этапти. Ҳаммиллий театримизда соспектакл муваффакият билан кўйилди. Рихсион қалби дарё нуорини буви бўлиб, яна томошабин истиқболига чиқди ва яна оташин олқишлиярга сазовор бўлди.

Бир умр ҳалкнинг ҳароратли олқишлиарни Сизни тарк этмасин, Рихсион! Мехри, ардоқли истеъоддингиз билан биз муҳислар муҳаббатига сазовор бўлаверинг. Сизга нуронийлик жуда жуда ярашган.

Санъат МАХМУДОВА

ди Файнажамол ая. - Раҳматли Насридинн бобонгиз билан турмуш курганимизда ёнгина 12 ёнда эдим. 72 йиллик ақил ва инок ҳаётимиз давомида 13 фарзанд кўрган бўлсан, 10 нафари Ҳудойимга кепак экан, қайтиб олди. Ҳаммасига чидадим, бардош бердим. Ўша даврдаги кийинчиликларни эсласам, ҳали-ҳамон эзилиб кетаман. Ўша қатағон йиллари, уруш даври кийинчиликларни, одамларни жабрланганла-

ри, эҳ-хе канча кунлар ўти бу бошимиздан. Мана, омон-омон замонлар келди, юртимиз истиклолга эришиб, толея янага баланд бўлди. Илоҳим, ана шулар қаторида менинг уч фарзандим ва болаларининг ҳам толеп баланд, ризқи мўл-кўл бўлсан, - дей ўзларига дуо тортилар ага. Аянинг буғунги фарзандлари Ҳайриддин ага 77 ённи, қизлари Гулсара опа 65 ённи, кенжаси ўзларилари Бахтиёр ага 55 ённи қаршилаган.

30 йилдан бери Файнажамол аяни ўзоззаб, ҳурматини жойига кўйиб, парваришилаб ўз келинлик хизматини адо этиб келаётган кенжага келинни. Мавлуда опа буғунги кунда ҳам қайнона, ҳам бувижон.

Файнажамол аянинг раҳматли насиши Шаҳодат ая ҳам 105 ёнда вафот этган эканлар.

- Ҳар кунимиз ҳалқимизга омад, ёшларимизга баҳт кептирисин, кексаларга эса узоқ умр атоятсан, - дей дуога кўл очадилар аякон.

Мария АҲМЕДОВА

омалалик билан мурожаат килишидан дилим равшанлаши. Ўша куни ўига мамнун бўлиб қайтдим. Яхшиямки, мана шундун кўли ёнгил, шириңсўз шифокорлар бор экан. Илоё кўлларингиз дард кўрмасин! Ҳалқ учун хизмат килиб асло чарчаман.

**Дилором ОТАБЕК қизи
Тошкент шаҳар
С. Рахимов тумани**

лидади. Ҳар кунимиз ҳалқимизга омад, ёшларимизга баҳт кептирисин, кексаларга эса узоқ умр атоятсан, - дей дуога кўл очадилар аякон.

Хожар АЛИМОВА

Сурхондарё вилояти, Шеробод тумани, "Кулол" ҳиссасдорлик жамияти раҳбари. Ушбу корхонада 47 нафардан ортиқ қиз-жувонлар хизмат қилишади. Улар яратган бўюмлар ўзлари каби ёзал ҳамда нафисиги билан ҳар қандай ҳаридорни ўзига жалб этади.

- Инсон кўли гул. Истаса у боғ барто этади,

истаса тоб. Энг муҳими ўз қасбига муҳаббат

бўлса киғоя, - деди опа ўз қасбидан турураниб.

Сурватчи: И. Сатторов

ҚИЗЛАРИМГА ДЕГАНИМ

(Боши утган сонларда.)

26. Қизим! Инсонийликдан йироклашиб шуҳрат кувма! Мехнатнинг ортидан кув! Шунинг ўзи сени элиндан кутмаган шуҳратга сазовор этади. Мехнатдан келган ҳурматнинг умри бокий, беминат бўлишини унугаётма, она қизим!

27. Қизим! Дилинг тилинг, қўлинг, йўлинг тўғри бўлсин! Шунгун амал қилсанг, қалбинг тикиштада кўрмайди, йўлларда қоқилмайсан. Бу тўртвлон: Ҳақ, Тўғрилик тошни ёради, она қизим!

28. Қизим. Сочингнинг оқларида-фарзандларингнинг, пешонант ажинларида, умринг йўлларини хис қилгин. Қариятман дема: бу пок муҳаббатинг, меҳнатнинг тиник, мўл маҳсулларидир. Уларга шукр қил, миннадор бўлиб яша! Ахир, мевали даҳротнинг шоҳлари ерга эгилади, розини айтади дараҳтлар. Она ердан мамнун бўл, она қизим!

29. Қизим! Каттани-ака, кичикни-ука, кичик қизни-сингил, ўзингдан каттани-опа дегин. Карабсанки, сен учун бегона, ўзга йўк! Тилинг фаткат сиздан тушмасин, сен - ўзингсан, Сизлар бошқалар, она қизим!

30. Қизим! Ота-она дуолари, устоз, муаллим ўғитлари, турмуш ўртоғинг дусоси-умринг безаги. Ҳар тўртталаси севса, элинг севади, қизим!

31. Қизим! Устознинг ўғитларига амал қилмаган шогирд-қўзи кўр түғилган мушу боласидек, фаҳм-фаросати ҳам батамон кўр бўлади, оқибати, хор бўлади, она қизим! Уқиб ол!

32. Қизим! Дастворхон ёзилганда, охири — поитак томонини қайтармайдилар, аксинча юқори томонини, меҳмон кўпаяверса, юқори қисмидан очиб, паст томонга чўзаверадилар. Дастворхоннинг кўйи қисми қайтарилса, эшикдан келаётган кут-барака, ризқ-рўй келмай колади, меҳмон келмасин, - деган маънони англатади. Тўй-тўққиз, яхши кунларда ҳамма вақт дастворхонлар жуфт-жуфт ёзилиб, нон, бошқа ширињиллар ҳам жуфт-жуфт кўйилади, топганича. Бойси, баҳт-шодлик, ризқ-рўй кўшалоқ келсин деб. Матрака, азаларда эса дастворхонлар ток ёзилади. Бу дегани бундай маъракалар узоқ-узоқ, оз-оз, камрок келсин учун, нон ҳам тоқа кўйилади.

33. Қизим! Пичок, қалампир, пиёз, спиртли имчимлар мавжуд дастворхон устида дуо ўқилмайди. Чунки, аччик билан дуо, савоб, ҳеч қачон қовушолмайди, она қизим! Улар дастворхондан олиниб, сўнг дуо ўқилади, мусулмончилик шаънига жоиз.

34. Қизим! Пандларим, сизларга сийлов, доимо соғу саломат бўлинг, ишингизга барака, ёлизимизга узоқ умр, йўллари ёруғ бўлишини-соҷларимдек оқ нурли бўлишини, юртимиз тинч, осмонимиз мусафро бўлишини тилаб коламан!..

Эргаш АТОЕВ
Ўзбекистон ҳалқ маорифи аълочиси, нафақаҳур.

**Навоий вилояти
Қизилтепа тумани
«Тошработ» ш. \х.**



Сарвара Қаршиева — Сурхондарё вилояти, Шеробод тумани, "Кулол" ҳиссасдорлик жамияти раҳбари. Ушбу корхонада 47 нафардан ортиқ қиз-жувонлар хизмат қилишади. Улар яратган бўюмлар ўзлари каби ёзал ҳамда нафисиги билан ҳар қандай ҳаридорни ўзига жалб этади.

- Инсон кўли гул. Истаса у боғ барто этади, истаса тоб. Энг муҳими ўз қасбига муҳаббат

бўлса киғоя, - деди опа ўз қасбидан турураниб.

ИЛТИМОСИМ ЕРДА ҚОЛМАДИ

2002 йил декабр ойида томорка ма-саласида ёрдам сураб «Оила ва жамият»га хат йўлларига эдим. Ана шу хат асосида вилоят Оила, оналик ва болаликни муҳофаза килиш бўли-

ди. «Оила ва жамият» аралашгач...

ликни», муҳофаза килиш бўлими ходимларига, Кумкўргон тумани ҳокими Нормўлини Чориев таомумхамедова ариза изосидан текшириш ўтказиши. Махалламиз раиси Эшонкул ага Ҳазраткулов ҳам иложи борича менинг ёрдам кўлини чўзи. Раис бобомиз Эргаш ага Жумаве 15 соти томорка ўлчаб берди. Бунинг учун сизларга ва Сурхондарё вилоят «Оила, оналик ва болала-

ликни», муҳофаза килиш бўлими ходимларига, Кумкўргон тумани ҳокими Нормўлини Чориев таомумхамедова ариза изосидан текшириш ўтказиши. Махалламиз раиси Эшонкул ага Ҳазраткулов ҳам иложи борича менинг ёрдам кўлини чўзи. Раис бобомиз Эргаш ага Жумаве 15 соти томорка ўлчаб берди. Бунинг учун сизларга ва Сурхондарё вилоят «Оила, оналик ва болала-

- Отамнинг маслахати билан Германия бориб малаками ошириб келдим. Қайтган, яна ўша жойимда ишлай бошлади. Дега гапини бошлади. Файрат исмли йигит. - Мақсадим фақат инсонларнинг ҳәётини саклаб колиши, даволаш эди. Аммо, бошимга анча маломатлар тушишини ўйламабман.

- Кандай маломатларга қолдингиз?

- Бир куни тунда оғир бемор аёлни келтиришибди. Мени қаҳтиришибди. Уни операция килиш зарур экан.

- Демак сиз жарроҳ экан-сиз...

- Туғруқхонада ишлайман. Туғруқ жараёнида доялар билан бирга катнашаман. Она-боланинг ҳәётини саклаб колиш зарур булса мен ҳар доим ёрдамга тайёрман. Зарур пайтда операцияларни қиламан.

- Бу қасбни ўзингиз қизиқ танлаганимисиз?

- Ҳа, эсимни таний бошлаганимда бошқа гўдаклардек онамни сўроказлай бошлаганман. Шунда отам менга, онам мени тугаётганида оламдан ўтганиларни гапириб берганди. Шу аламлар ва армон билан болалигим, умрим ўтди. Ўшанда мен катта бўлсам, албатта дўхтири бўламан. Оналарга ёрдам бераман, деб ният қилгандим. Оиласда икки кишиимиз. Мен бир умр она согинчи билан яшадим. Отам онамни жуда яхши кўрганилиги учун бошқага ўйланмаган.

- Дўхтири ҳам бўлдингиз, кейин-чи?

- Бир куни тунги сменадан чиқиб келаётib қаттиқ чарчаганимни хис қилдим. Тун бўйи тўртта оғир операцияда катнашиб, анча толикандим. Асабларим ҳам чарчаганди. Тўрт кишини мұқаррар ўзимдан куткарди. Ўзимдан мамнун, касбидан хурсанд эдим. Фикри ёдим тезрок бориб ўзимни ўрини-

га ташлаш эди. Аммо... Ўймизга етайдеганимда йўлда одамлар тўпланиб турганини кўрдим. Автоҳалокат содир бўлган экан. Назаримда автоҳалокат якинда бўлган, жабрдийдаларни энди олиб чиқиб четта ётқизишаётганди. Бир чедра устига мато ёпилган кишининг, ҳайдовчи бўлса керак, жасади турарди.. Кимдир йўлнинг ўртасига чиқиб, менга жон-ҳадди билан кўй кўтара бошлади. Истамайгина тўхтадим. У киши келиб мендан жароҳатланган ҳомиладор аёлга тез ёрдам кўрсатишими талаб эта бошлади.

- Сиз ёрдам бергандир-сиз?

- Албатта. Бироқ аёлнинг ахволи анча оғир, уни зудлик билан операция килиш, кўллари синганлиги учун гипс ҳам килиш керак экан. Яна унинг ой куни яқин эди. Мен машинадаги бордорилар билан жабрлангандарга ҳам, уларнинг якинларига ҳам ёрдам кўрсатдим. Энди уни ўзим ишлайтган касалхонага зудлик билан элтиш зарур эди. Мен эса жуда чарчагандим. Жабрдийдаларнинг бири, аёлнинг отаси келиб менга ёпишиб олди. Унинг амалдор эканлиги кўриниб турарди. Мени танир экан: «Қанча олсанг ҳам қизимни ўзинг операция киласан», деб ёпишиб олди. Ахир бирданнига икки тун ишлагандим. Менинг ўрнимда эса бошқа киши ишлайтганди. Охири яна касалхонага кайтдик.

- Уларни кутқардингизми?

- Афуски, ҳаммасини эмас. Биз касалхонага етиб келгунимизча ҳайдовчининг қизчаси, ённадига киши вафот этишиди. Аёлни олиб кириб операция кидик. Фарзандини саклаб қолдик. Ўзини палатага олиб чиқиб ётқизгач, мен қорувунинг хонасига бордиму, ердаги тўшакка ўзимни ташлаб ухлаб қолибман. Бир пайт мени қорову-

гимиз ийманибигина уйғотди. Бемор аёлнинг ахволи оғирлашган экан. Унга томчиловичи уколлар кидик. Дархол қон куишишим керак эди. Унинг қони иккичи гурух бўлиб, бундай қон топилмади. Шунда қизнинг отаси тўпалон кўтарди.

- Топасланлар. Мен билмайман. Ҳамманг пулга сотилгансанлар. Сенларга пул керакми? Мана, ол, - деб ўзимга қараб бир даста пулни отди. Биз-ку, шусиз ҳам кўлимиздан келган ёрдамни берётганимиз учун унинг бу муомаласидан жуда хафа бўлдим.

- Уни ҳам тушуниш керак, ахир фарзанди ўлим билан олишаётган бўлса...

- Тўғри, лекин кўзидан ёш

чиқиб изтироб тортиш ўрниги ҳамма нарсани пулга чакиши кишига алам қиларкан-да. Шундай килиб ўзимнинг қонин шу аёлга тўғри келишини ўйлаб, дархол қон беришга тайёрландим. Азбаройи у кишининг дўй-пўписаларидан кўркиб эмас, беморнинг ҳәётини саклаб қолишимиз керак эди. Керакли микдордаги қонни кўйдик. Мен эса ўрнимдан ҳам туромай колгандим. Шу куни кечгача кўшини палатада ётдим. Халиги безбет киши эса пул кўтраби ённинг кириб борибди. Уни ёқасидан олиб улостириб юборибман жаҳн устида. Бизни ҳамширларимиз актарятдим. Қизини у айтмаса ҳам бор кучим, билимимни сарфлаб даволашимни айтиб, кўнглига таскин бердим. Бирор, муҳими бу эмас...

- Яна бирор воқеа юз бердими?

Кўнгироқларингиз...

лут Университети талабаси бўлдим. Хизматдан қайтган, у ҳам Тошкентдаги нуғузли олийгоҳлардан бирда тахсил оли бошлади. Биз ҳар гал учрашганини мизда негадир у ақлли гапларни кўп гапиради. Агар уни чин дилдан севсам албатта яхши инсон бўлишим кераклини кўп бора таъкидларди. Мени ажаблантирган томони шундаки, бъязи бир йигитларга ўшаб беўшов харакатлар кимласси. Ҳатто, мени шамоллардан ҳам асрар авай.

- Кўлимиздан келармикан? - дедим хаёгла ботиб.

- Ха, албатта биз кўп

- У менинг устимдан милицияга арз қилибди. Ҳозир бориб тушунтириш хати ёзиб келаяпман. Ахир мени ҳам тушуниш керак эмасми? Ҳаша куни тўхтамасам ҳам бўларди. Мана энди бошимга ўзим фавро сотиб олдимми, деб ўйлаляпман.

- Касбингиз нуқтаи назаридан, қолаверса, инсонийлик ҳаққи тўхтаб уларга ёрдам бермасмидингиз?

- Ўз соғлиғимдан кечсам ҳам одамларга, ўртдошларимга ёрдам берган бўлардим. Лекин, биргина воеқа деб ўзимни шу қадар ёмон кўриб кетаяпман. Ҳаммага ёмонотлик бўлиш мени эзаяти. Вахоланки, биз шифокорлар одамларнинг руҳий ҳолатини ҳаммадан ҳам яхшироқ тушунишими керак эди. Қилган ишмидан, қизиқонлигимдан қаттиқ афсусдаман. Ушбу пушаймонлигимни Максуд, ага (аёлнинг отасига) шу газета орқали айтгим келди. У киши мени кечирсин.

Гайратжон! Сизни Максуд

БАСИРА

ни олишига 10 кун қолганида бир синфдо йигити билан қаєргадир кочиб кетиши. Орадан 15 кун ўтиб кайтиб кетиши. Отасининг юзига тик боби: «Мен ўша йигитга турмушга чикмасам бўлмайди», - дебди. Номуға чидомлай юрган отага уасининг гаплари ёмон таъсир қилиби. «Бундай киз боқкандан кўра, ит боқсангиз кўпроқ фойдаси тегарди», - дебди. Орадан кўп ўтмай отанинг юраги бундай аламларга дош беролмади. У оламдан кўз юмди. Ушбу воеқани кузатар эканман, ҳаёлга толаман. Нега қизлар ҳаёт ҳақида худа ҳам енгил ўйлаши. Ўзингиз айтинг, энди ўз оиласига симай қолган қиз ўзга оиласига сиғармикан? Наҳотки севгининг бир ёниб ўчувчи оташига алданниб қолиши шунчалар осон бўлса? Шуарни ўйлар эканман кўз ўнгимда кундан-кунга углайб бораётган қизимнинг келажиги ҳақида кайгураман. Үнга кўп нарсалари тушунтиришга ҳаракат қиласаман. Яқинда қишлоқдо дугонамни учратиб қолдим. Алишер акам турмуш ўртогим тузалиб, ҳаётимиз яхши бўлиб кетганини ўшишиб ҳурсанд бўлибди. Менга кўйдан-кўп саломлар айтиби. У ҳақдаги ширин хотираларни ўйлар эканман, бизни мұқаддас аёл, деб асрар-авайлаб, соғиниб яшовчи инсонлар ҳамиша саломларни ният қилдим.

Гулбаҳор, синглим! Баҳор каби гўзал ғикрларингиз чулу раҳмат. Сиз каби муҳаббатни ардоқловчи, уни покиза қалбидар нур каби асрорчи инсонлар кўлявасерин. Муҳаббат ҳижрони билан гўзл эканлигини хис этиб яшовчи ошиқлар омон бўлишишини ният қилдим.

Нигора Йўлдошева

БИЗНИ СОҒИНГАНЛАР САЛОМАТ БЎЛАСИН!

нарасага
кордирмиз. Агар ҳаётда

кийналсанг мени эсла. Муҳаббатни тафти ҳамишига ҳаётингни ёритиб турдиди. Энди эса хайр, деди-ю, кафтларни юзига босиб, мен билан самимий ҳайрлашибди. Кўп ўтмай яхшигина бир хонадонг келиб бўлиб тушдим. Тумуш ўртогим автоҳалокат туйфали жароҳат олиб икки йил бир жойда ётди. Ана ўша кунларда мен яна муҳаббатга суюниб яшадим. Алишернинг ҳамишига яшашга унда тургувчи сўзлари менга куч багишларди. Рўзгорни тебратиш учун ўйимизга яхши бир корхонада тунги сменада ишламига тўғри келди. Ҳамиша аёллик ва онални шаънними биринчи ўринга кўйдим. Аммо яқинда бўлиб ўтган воеқи мени изтиробга солди.

- Кандай воеқа эканки сизга азоб беради?

- Ен кўншилганинг бу йил мактабни битирган кизи бор. Етуклик атtestat-



ОДАМЛАРНИ ДАВОЛАШНИ ИСТАЙМАН

ЙИГИТИНГ СҮЗИНИ

Ёшлик ажойиб давр. Ҳар бир ёш севади, севилади. Бу азалий қонуняят, Э.нинг дил изкори менга ёшлик йилларимни эсга солди...

Қадрии ўғли С. севиш, севилиш асли айб эмас. Ота-она қизларини узатишмоқчи экан. Сен албатта норози бўласан-да. Қизга юшиб кетишни тақлиф килисан. У "йўк", депти. Бу қизнинг аклилигидан далаот беради. Сенга қуидагича маслаҳат бермокчиман:

Қишлоқда турсанг, қишлоқ фуқаролар йигини раисига ёки бирор обрўи, кекса кишишига, отан ёки онанг билан бориб, кўнглингдаги галларинги, фалончининг қизини севаман, икки йилча кута



турсин, ўкишга кирай, акамни улантирайлик, сўнгра менга навбат келади, деб тушунтиргин. Шахарда яшасанг, маҳалла раисига мурожаат қил ёки

«У менинг борлигим»—2-сон

ЭСЛАТМА: Бир қизни севаман. 17 ёшда бўлишига карамай уни узатишмоқчи. Менинг эса акам бор, ундан олдин уйлана олмайман. Уч хорижий тилда гаплаша оламан. Билимим ўзимга етарли. Аммо, оиласига ёлаётга тайёр эмасман. Агар унинг ота-онаси икки йил куттандан эди...

C.

СИНДИРМАНГ...

бирор кексарок, кўпни кўрган, эл-юрт маъракасига бош бўладиган кишидан маслаҳат сўра. Булар ҳам ҳал қитолмаса, тўппа-тўғри қизнинг ота-она-

сига мурожаат қил, қўполлик килма. Қўполлик, ёмон сўз ҳеч вакът фойда келтирмайди. "Эгилган бошни қилич кесмайди", - дейишади. Қизнинг ота-онаси, элу-авлодлари меҳрини қозонгин.

Киз томондагиларга ҳам икки оғизигина сўзим бор: Биламан фарзандни сизлар тарбиялагансиз. Бола ўстириши, уни вояга етказиш, унинг кўлидан беминнат бир пирёла сув ичиш осон иш эмас. Мен ҳам отаман. Б. фарзандим, 19 наварим бор. Кизингизни кимга узатиш бу сизнинг ихтиёрингиз. Аммо, ёшлар бир-бирини севар экан, буларни қовушириш, келаражаги учун қайгуриш сизнинг бурчингиз бўлмоги керак.

Бир фариб қўнглини қила олсанг, шод Яхшидир ер юзин килгандан обод!

Лутфинг-ла бир

дилни қул қила олсанг Афзальдир юз кулни қилгандан озод, - деган Умар Хайём.

Бундан ташқари "Бир одамнинг кўнглини овлаш жаҳга бориб келиши билан барбордир", деган гап бор ҳалқимиизда. Йигитнинг сазасини синдириманг. Унинг қалби тубидан чиқаётган гапни эштаяксизми? "У менинг борлигим", деяпти. Бунинг маъносини англайпсизми? Сизлар ҳам вақтида ёш бўлгандирсиз! Икки йилги кутинг. Йигит ҳам ўкишга киради, қизингиз ҳам бу арзимас икки йил ичига турмушга тайёр бўлади, рўзгор юмушларини анча ўрганди. Ҳар бир ёш ўзи севган, ўзи севилгани билан доимо баҳтили бўлсин.

Гайбулла Абдуллаев
мехнат фахрийиси

«Мұхаббатим ёлғон эмасди»—9-сон

Акс-садо

ЭСЛАТМА: Алишерга телефон орқали мени бошқага бериштэганини айттанимдан сўнг у шошилиб Навоийга йўл олган. Йўлда эса автохалокатга учраганини эшитдим. Унинг ўзимига фахаттига мен сабабчи эканимни ўйласам... Дадам бизни тушунганида, менинг кўнглим билан ҳисоблашганда, бундай воеқа рўй бермас эди...

X. ХОТАМБОЕВА

ОТАЛР ФАРЗАНДИНИ ТУШУНИШИ КЕРАК!

Менга ўшаган фарзанд додини тотиб кўрган оналар учун ошик йигитнинг алам чекиб, ўзини ҳалок этгани жуда-жуда дилни ўртайдиган ҳол. Менимча, унинг отаси айрилик азобларидан бу дунёни (автохалокатга учраб) тарк этган ўғли доғида адио тамом бўлгандир. Эвон, фалакнинг зарбалари қанчалар шафатсан билимас.

Воқеанинг шундай мудхии тусга киришида айрим физик-фасод ташвиши одамларнинг гапи ҳам сабаб бўлибди. "Алишернинг оиласи оддийиги" бўлгани учун отага ёқмабди.

Ойгул онасини ишга солиб кўрмоқчи бўлди, лекин кайсар ота ўз айттанида турбиди. Севги достонини бас қилмаса қизини "оқ" килиб юборганинг айтди.

Бечора қизигина ноилохлиқдан алоқа бўлимига бориб Алишерга "сим қоқди", ёлғонлади. Ўрталарида мухаббат шунчаки ҳавас эканлигини, бирорва унаштирилаётганини айтди-да, хайрлашмай, гўшакни қўйиб қўйди.

Шундан сўнг бор орзулири барбод бўлган Алишер телефондаги гапларни ўйлаб Навоийга кетаётганида йўлда автохалокатга учраб, дунёни тарк этганди. Бу муддиҳи ҳабарни Ойгул таътил туғаб, ўкиш бошланганида билди.

Ойгулнинг отасига шупарни айтгим келди: "Эй ота, қизинг қалбини ҳам жароҳатладинг-ку! Сен шундай тош қалбинг билан отаман дейсанми? Ҳакиқий ота бор йигитнинг ўзимига сабаб бўлиш ўнинг тафakkор билан инсонлардеш иш тутарди, ҳеч бўлмаса ўз айлининг маслаҳатига унаганида ҳам икки ёшнинг умрини барбод қилмаган бўларди. Ҳайф сенек тошюрак отага.

Унутманди, фарзандлар камолига масъуллик фақат ўғил-қизларни едириб-ичириш, кийнтириш, ўқитишидангина иборат эмас. Балогат ёшига еттанди улар қалбига кириб келадиган нозик хистайғуларни тўғри йўллаш масъулияти ҳам мавжуд. Бундан ҳеч қайси ота-она кутилиб кетолмайди. Бу ўринда жаҳл, уриш-жанжал, дўкпўлписи иш бермайди. Ғақат ўйлаб иш тутиш, ақлзаковатни ишга солиши керак, йўқса мушкулот кўчасига кириб қолиши анни.

Ойгул қизим, вакт сизнинг дардингизга даво бўлса зора. Ўқинг, изланинг, илим олинг. Инсон сабр-бардошли бўлиши керак.

Афифа ҲАСАН қизи

«Кўнгил ҳасратга тўлганда»—38-сон, 2002 йил

ЭСЛАТМА: 16 ёшга тўлган қизимиз Дилнавоз тўсатдан вафот этиди. Уч йилик хотиним бу айрилиқдан ўзига келаолмаяпти. Мен-куэрка кишишиман, базур ўзимни кўлга олдим. Унга юпанч бўлишини истайман. Аммо, хотинимни юпатишни иложи бўлмаяпти. Бошимни қайга урай?

Б. САЙДАЛИЕВА

Бешбой ака ва Олия опанинг марҳум қизларининг сўзларини ўқидуми ҳеч

ФАРЗАНД ДОҒИ ЁМОН

ўзимга келолмадим.

Дунёда ҳеч бир инсон болам демасин. Ота-она деб уларни сўнгти йўлга кузатишни фарзанд учун мерос. Лекин "болам" деб ўз фарзандининг сову танасини кучиб уни қабрга кўйиш нақадар даҳшат.

"Тош қаттиқми ёки бош?" - деб сўрашганда, "Бош қаттиқ" деб жавоб беришган. Мен Олия опадан ўш бўлсан-да ушиб маслаҳатини бермоқчиман. Сиз ўзингиши яшашга ундан. Қолган фарзандларингизни багрингизга босинг. Сиз қанчалик кўп кўз ёш тўксанги болангиз қаб

рида нотинч бўлади. Ҳадисда ёзилишича: "Инсон маҳрумлар учун соҳиб ҳоҳ бўлсин, ҳоҳ қарни бўлсин қанчалик кўп кўз ёш тўксса, марҳум шунчалик ботқоқча ботаркан". Энди сиз ва Бешбой ака дунёдан ўтган фарзандларингизнинг умрини ҳам қолган фарзандларингизни учун берини беришини Оллоҳдан сўраб, сабр-қаноатли бўлиб яшсанг. Даҳажоним ҳар доим беш вакт намозлариди: "Фарзандларим соғ бўлсин, ҳеч қачон фарзанд додини кўрсатмагин, мени болаларим тепкилаб кўмишисин", - деб нола қилардилар. Бу

сўзларни эшитиб ҳазиллашиб: "Дадажон, сиз бизга ҳам ота, ҳам она бўлиб 25 йиллик умрингизни ўтказисиз, биз сизни тепкилаб кўмамишимиз?", - деб сўрасан. "Кизим, тўккиз болам "дадам" лаб сўнгти йўлга кузатишингизни айтаман-да", деб кулиб кўядилар. Мана бир неча ойдан ошиди, биз ҳам азадормиз. 25 йилдан бери ўз умрини билазарга баҳшида эттан даҳажонимни сўнгти йўлга 76 ёшларида кузатдик.

Мен ушбу дил сўзимни сизларга озигина мадад бўлсин, деган мақсадда қозғос қораладим.

ЗУЛАЙХО

Кашқадарё вилояти

ТАБРИКЛАР, ҚУТЛОВЛАР!

Жажжи хиянимиз
ҲАСАНЖОН!

Сени 2 ёшга тўлишинг билан табриклийиз. Соғлом ва полвон йигит бўлиб улғайгин.

Оила аъзоларинг номидан холанг Холисхон



Мехрибон дадаражонимиз Мардон ШАМСИЕВИЧ!

Биз сизнинг туғилган кунингиз билан табриклиб, узок-умр, баҳт-саодат, соғлик тилаймиз. Ойхонимиз билан кўша-қариб юргингар.

Үглингиз Анваржон, келинингиз Ферузаҳон, набираларингиз Азизбек, Асилбек

Навоий вилояти

Дугонам Умринисоҳон ҲАЙТОВА!

Таваллудинг муборак! Мухаббат қасрининг баҳти маликаси бўлишингни Оллоҳдан тилайман!

Дугонанг Гўзалхон Ирисова

Нуробод тумани, Тортувли қишлоғи



Республикамиздаги "Матбуот тарқатувчи" ОАЖ Компаниясида 32 йилдан бери меҳнат қилиб келаётган Бозорова Татьяна Николаевнанинн ҳамасблари жуда

ЗИЁ ТАРКАТИБ

хурмат қилишади. У шу ерга ишга келга-

СИЗ ДАДАМНИНГ АРМОНИСИЗ

Бизнинг оиласизни юрагида бир армон бор. Келинг, бир бошидан гапириб берга қолай.

Дадам асли самарқандлик бўлиб, Тошкент шахрига ишларни келади. Ва 1973 йилларда ўша ерда уйланади. Лекин фарзанд кўрмайди. Орадан йиллар ўтиб 1975 йилда туғилган кизчани асрар олишиади. Ислами Нилюфар кўйиншади. Уни асрар олишиганин сир тутиб, хеч кимга айтишибади. Орадан 4 йиллар ўтиб, Нилюфар оғир хасталанади. Дадам тезда шифохонага олиб боради. Дўйтирилар текшириб кўриб, унга тезда кон кўйиш кераклигини айтишибади. Такдир тақозоси билан дадам конининг гурухи кизчанинга тўғри келади. Дадамдан кон олиб кизалоқка кўйиншади. Шундан кейин дадамнинг кизага мөхри янада ортади. Чунки кизчанинг конига дадамнинг ҳам кони кўшилганди. Кизча соғаяди. Ойлар ўтиб дадамнинг турмушу бузилиб, ажralib кетишибади. Аёли кизчани дадамга кўрсатмай кўяди. Тақдирга тан бераб, дадам Самарқандга ўз уйига кайтади. Вакти келиб дадам ойимга ўйлашибди. Кейинчалик бечора дадам Тошкентга бориб болалар боғчаларидан кизини излайди. Хотинлари кизчани излайди.

Овоз беринг,
қайдасиз?

кўрсатмай, дадамдан яшираверади. Хулласадам, 10 йил дегандан яна фарзанди бўлади. Хозир 5 та фарзандлари бор. Мендан катта акам, мен, иккита укам ва бир синглим. Бизлар дадамнинг иккичи турмушиданмиз.

Дадам биз билан овунса ҳам йиллар ўтиб, яна қизи Нилюфарни излай бошлади. Лекин ҳеч қаердан топа олмаяти. Мен 10 ёшимда опан болгрини эшишиб жуда курсанд бўлгандим. Мана орадан шунча вақт ўтиди. Лекин ҳали ҳам Нилюфар опанини тополмади. Якинда акамни уйлантирмоқчимиз. Лекин дадам: "Олдин кизимни топсан, кейин ўлумлини уйлантираман", - дейди. Биз ҳам шу фикрдамиз.

Опажонимизни топишга ёрдам беринглар.

Мен ҳам аммам билан кўп кидирдик.

Айтишлирачи, опам Тошкент шахридағи Кўкча деган жойда яшайдиган кассоб йигитга турмушга чиқкан бўлиб, 3 фарзанди ҳам бор экан. Бу тахмин холос... Ягона ишончимиз сизнинг газетангиз.

Гўзал МАМАШАРИПОВА
Самарқанд вилояти
Оқдарё тумани
Даҳбед ш.
Ф.Хўжаев кўчаси, 59 ўй.

ҲАШАР САБАБ УЙИ БЎЛАНК

Биз ўй қуриш учун ер излаб юргандик. Кўрган жойларимизнинг бázыларни кўмпук бўлса, бázыларни одамлардан четда бўлгани учун олимиз келмасди. Ўзимиз эса шу пайдада ижарада яшардик. Бир куни навбатдаги омадисиз изланишларимдан кейин келиб, туштида пайтида улҳаб қолибман.

Тушимга раҳматлик отам кириди. Мен уни аввалилари қандай тушимдада кўрган бўлсам бу ғал ҳам шундай, оппоқ либосларда кўрибман.

- Болам, ташвишларни, ўйли бўласизлар. Бироз сабр қилишинларга тўғри келади. Агар меҳнатдан қочмасанглар, энг чиройли ўй сизларники бўлади, - дермиш у. - Фақат, эрингта айтгиган, эрталаб албатта ҳашара борсан. Сизларнинг ўйли бўлишиларинг шунга боғлиқ, - дебди. Ўйғонганимда аллакачон кеч кира бошлаган экан. Ховлига сув сепаётгандан, эшик тақиллаб қолди. Сойбўй маҳалласида

яшайдиган танишимиз ҳашарга айтиб келиби. Роза ҳайрон колдим. Кейин бо воқеанинг эримга айтдим. Эрталаб тонгда эрим ҳашарга кетди.

Мен бўлсам: "Кани, нима бўларкин, бўбиги", - деб кутиб, ишларимни килиб юравердим. Оқшом эса эрим бир киши билан курсанд бўлиб келиб келди. Ўзимиз ижарада яшайдиган ўйдан сал нарида бир чириккор ўй бор эди. Ўйни Мавзалини деган киши ўғли учун сотиб олганди. Ўғлига эса ишонасидан тўрт хонани ўй бернишлабди ва Тошкентда бутунлай коладиган бўлган экан. Шунинг учун аталган жойни сотиш ҳакида ҳашар пайтида гап очи қолибди. Эрим эса ўйни кўрибилиб юргани учун олишига дарров рози бўлибди. Биз кейинчалик у жойга кайтадан жуда шинан килиб ўй курдик. Лекин неча йиллар тинимисиз ишладик. Отамнинг руҳи эса тушимда мени бундан хабард бўлган экан, ўшанди.

ХАМИДА

Дугонам Васила
ЧУЛИЕВА!

Сизни 17 ёшиниз билан кутлайман. Барча гўзл ва эзгу орзуларингиз рўёбга чиксин. Ҳамиди сог бўлинг.

Дугонангиз Садоқат
Мустафоева

Мехрибон дадаражонимиз
Бахтиёр Ҳамидов!

Сизни туғилган кунингиз билан табриклийиз. Сизга Оллоҳдан соглил, баҳт, узок-умр тилаймиз.

Рафиқангиз Норжон,
фарзандларингиз

Навоий шахри

Мехрибон дадаражонимиз
Бахтиёр Ҳамидов!

Сизни туғилган кунингиз билан табриклийиз. Сизга Оллоҳдан соглил, баҳт, узок-умр тилаймиз.

Рафиқангиз Норжон,
фарзандларингиз

Навоий вилояти, Конимех тумани

Азиз отажоним Очилбой КУРБОНОВ!

Сизни кутлуг 80 ёшиниз билан чин қалбимдан табриклиман. Узок-умр, соғлик тилаймиз. Илойим 100 ёшини ҳам шундай карши олинг.

Кўёвингиз, набираларингиз суюкли
қизингиз Сайёра Курбонова

Нуробод тумани

нида 23 ёшда эди. Ҳозирги вақтда даврий нашрларни тарқатиш бўлимининг бошлиги вазифасида ишлаб кемоқда. Айни кунларда эса Татьяна Николаевна ўзининг 55 ёшини қаршиламоқда.

"Оила ва жамият" газетасин юртимизнинг энг олис будуладига етиб боришида у кишининг ҳам хиссаси бор, албатта. Татьяна Николаевнанинн сермазмун ўтган, кутлуг 55 ёши билан табриклийиз. Узок умр, соғлик тилаймиз.

"Оила ва жамият"
газетаси жамоаси

Кутлов

нида 23 ёшда эди. Ҳозирги вақтда даврий нашрларни тарқатиш бўлимининг бошлиги вазифасида ишлаб кемоқда. Айни кунларда эса Татьяна Николаевна ўзининг 55 ёшини қаршиламоқда.

"Оила ва жамият" газетасин юртимизнинг энг олис будуладига етиб боришида у кишининг ҳам хиссаси бор, албатта. Татьяна Николаевнанинн сермазмун ўтган, кутлуг 55 ёши билан табриклийиз. Узок умр, соғлик тилаймиз.

Дадам биз билан овунса ҳам йиллар ўтиб, яна қизи Нилюфарни излай бошлади. Лекин ҳеч қаердан топа олмаяти. Мен 10 ёшимда опан болгрини эшишиб жуда курсанд бўлгандим. Мана орадан шунча вақт ўтиди. Лекин ҳали ҳам Нилюфар опанини тополмади. Якинда акамни уйлантирмоқчимиз. Лекин дадам: "Олдин кизимни топсан, кейин ўлумлини уйлантираман", - дейди. Биз ҳам шу фикрдамиз.

Опажонимизни топишга ёрдам беринглар.

Мен ҳам аммам билан кўп кидирдик.

Айтишлирачи, опам Тошкент шахридағи Кўкча деган жойда яшайдиган кассоб йигитта турмушга чиқкан бўлиб, 3 фарзанди ҳам бор экан. Бу тахмин холос... Ягона ишончимиз сизнинг газетангиз.

Гўзал МАМАШАРИПОВА
Самарқанд вилояти
Оқдарё тумани
Даҳбед ш.
Ф.Хўжаев кўчаси, 59 ўй.

Кутлов

нида 23 ёшда эди. Ҳозирги вақтда даврий нашрларни тарқатиш бўлимининг бошлиги вазифасида ишлаб кемоқда. Айни кунларда эса Татьяна Николаевна ўзининг 55 ёшини қаршиламоқда.

"Оила ва жамият" газетасин юртимизнинг энг олис будуладига етиб боришида у кишининг ҳам хиссаси бор, албатта. Татьяна Николаевнанинн сермазмун ўтган, кутлуг 55 ёши билан табриклийиз. Узок умр, соғлик тилаймиз.

Дадам биз билан овунса ҳам йиллар ўтиб, яна қизи Нилюфарни излай бошлади. Лекин ҳеч қаердан топа олмаяти. Мен 10 ёшимда опан болгрини эшишиб жуда курсанд бўлгандим. Мана орадан шунча вақт ўтиди. Лекин ҳали ҳам Нилюфар опанини тополмади. Якинда акамни уйлантирмоқчимиз. Лекин дадам: "Олдин кизимни топсан, кейин ўлумлини уйлантираман", - дейди. Биз ҳам шу фикрдамиз.

